**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УМАРОВ БАХТИЁРЖОН ЯТГАРОВИЧ

УЙҚУ АРТЕРИЯСИ АТЕРОСКЛЕРОЗИНИ ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА ДАВОЛАШДА ЭНДОТЕЛИАЛ ДИСФУНКЦИЯ КОРРЕКЦИЯСИ

14.00.27 - Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

УЎК: 616.133.3/616.13.002.2-004.6:616.89-02-089/616-008.6

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Умаров Бахтиёржон Ятгарович
Уйқу артерияси атеросклерозини жарроҳлик усулида даволашда эндотелиал дисфункция коррекцияси..... 3

Умаров Бахтиёржон Ятгарович
Коррекция эндотелиальной дисфункция при хирургическом лечении атеросклеротических поражений сонных артерий..... 23

Umarov Bakhtiyorjon Yatgarovich
Correction of endothelial dysfunction during surgical treatment of atherosclerotic lesions of the carotid arteries..... 43

Эълон қилинган нашрлар рўйхати
Список опубликованных работ
Lists of published works..... 50

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УМАРОВ БАХТИЁРЖОН ЯТГАРОВИЧ

УЙҚУ АРТЕРИЯСИ АТЕРОСКЛЕРОЗИНИ ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА ДАВОЛАШДА ЭНДОТЕЛИАЛ ДИСФУНКЦИЯ КОРРЕКЦИЯСИ

14.00.27 - Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Tib527 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	**Абдурахманов Мамур Мустафаевич** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	**Гуламов Олим Мирзахитович** тиббиёт фанлари доктори
	Фикрет Эзберчи тиббиёт фанлари доктори, профессор (Туркия)
Етакчи ташкилот	**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «____» _____куни соат_____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: e-mail: bsmi.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2023 йил «____»_____ куни тарқатилди.

(2023 йил «____» _____даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Иноятов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Казакова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Б.З.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда каротид артерияларнинг атеросклеротик жароҳатланиши ишемик инсултнинг турли сабаблари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Таъкидлаш жоизки, «...20% ҳолларда цереброваскуляр қон айланишувининг ўткир бузилиши сабаби каротид артерияларнинг атеросклеротик шикастланишидир...»[1]. Замонавий тушунчаларга кўра, маълумки, «цереброваскуляр қон айланишувининг ўткир бузилишининг барча ҳолатлари орасида ишемик инсулт 80% ни ташкил қилади ва унинг сабаби кўп ҳолларда уйқу артерияларининг атеросклерозидир. Каротид артерияларининг стено-окклюзив шикастланиши ўз вақтида аниқланган, аммо бирон сабабга кўра оптимал дори терапияси буюрилмаган ёки жарроҳлик даволанмаган беморларда янги инсулт хавфи йилига 5% -12% ни ташкил қилади ва когнитив бузилишнинг пайдо бўлиши ёки ривожланиши хавфи ортади.

Жаҳон амалиётида ишемик инсултнинг бирламчи ва иккиламчи профилактика даво усули сифатида симптоматик ва асимптоматик каротид стенозларни тиклашга қаратилган классик, эверсион каротид эндартерэктомия (КЭЭ) ва ички уйқу артерия протези, ҳамда каротид артерияни стентлаш билан ангиопластика каби жарроҳлик тузатиш усуллари ишлаб чиқилган ва амалиётда муваффақиятли қўлланилаётганлиги NASCET, ECST, ACAS нинг кўп марказли рандомизацияланган тадқиқотлари билан тасдиқланган. Кўплаб илмий тадқиқотлар коллатерал қон оқими ва цереброваскуляр захира ҳолатини баҳолаш, шунингдек жарроҳлик аралашувининг прогнозини ўрганиш бўйича давом эттирилмоқда. Бироқ ишемик инсултнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси сифатида оптимал жарроҳлик усулини танлаш масаласи очиқ қолмоқда ва уйқу артерияларидаги реконструктив операцияларнинг узоқ муддатли неврологик натижаларини яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, ишемик инсултнинг бирламчи ва иккиламчи профилактика даво усули сифатида симптоматик ва асимптоматик каротид стенозларни тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4 - қисм 56 - мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»[2] вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни бажариш ишемик инсултнинг бирламчи ва иккиламчи профилактика даво усули сифатида симптоматик ва асимптоматик каротид стенозларни тиклашга қаратилган касаллигини камайтириш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий

[1] Arasu R., Arasu A., Muller J. Carotid artery stenosis: An approach to its diagnosis and management. Aust J Gen Pract. 2021; 50(11): P. 821-825.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалланиш кўрсаткичлари ва унинг асоратларини камайтириш имконини берган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда дунёда КЭЭ кейин каротид артерия стенозларини жарроҳлик даволашнинг юқори профилактик самарадорлиги исботланганига қарамай, реконструкция қилинган артерия сегментида рестенозларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, такрорий мия ва экстрацеребрал қон томир эпизодлар сони доимий равишда кўпайиб бормоқда. Кўпинча реконструктив операциялардан сўнг беморлар тиббиёт муассасалари томонидан 6-12 ой давомида кузатилади, аммо кейинчалик улар қон томир деворининг ҳолатини баҳолаш, ипсилатерал уйқу артериясининг рестенозларини аниқлаш, цереброваскуляр патологиянинг предикторларини аниқлаш учун тиббий хизматларга ташриф буюрадилар. Ҳар йили 3 миллиондан ортиқ бемор турли артериал реконструкцияларни бошдан кечиради ва уларда анастомозларнинг 1/3 қисми 12 ой ичида рестеноз бўлади (Porcu M.et.al., 2020).

Баъзи муаллифлар систолик қон оқими тезлиги 300 см/с ва диастолик қон оқими 125 см/с ёки ундан ортиқ ички уйқу артерияси бўйлаб ортиши, 75% ли асимптоматик рестеноз, 50% ли симптоматик рестеноз, эмболия белгилари билан 50% ли рестеноз реоперацияга кўрсатма деб эътироф этишади. Шу муносабат билан каротид артериялар атеросклерозли шикастланишида ушбу томир стенозини ривожланиш хавфини эндотелиал дисфункцияни ўрганиш орқали аниқлаш, эндотелиал дисфункцияни даволаш, ўз вақтида бош мия қон айланиши бузилишини оптимал операция тури ёрдамида олдини олиш ва КЭЭ дан кейин рестеноз кузатилганда реоперацияга бўлган кўрсатмаларни оптималлаштириш ушбу оғир беморлар контингентида даволаниш натижаларини сезиларли даражада яхшилайди (Шумилина М.В.ва ҳаммуал., 2017).

Олиб борилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, адабиётларда каротид эндартерэктомиядан кейин рестеноз ривожланаётган беморларни даволаш усулини танлашни ўрганишга бағишланган илмий ишларнинг сони

чекланган. Замонавий тушунчаларга кўра, каротид артерияларнинг стенозли атеросклерози билан оғриган беморларда эндотелиал дисфункциянинг турли механизмларининг моҳиятини ўрганиш, ушубу патологияни хирургик ва консерватив даволаш натижаларини яхшилаш учун, бирламчи операциянинг узоқ муддатли даврдаги натижаларини оптималлаштириш учун янги имкониятлар яратади. Маълумки, эндотелий – бу периферик қон оқимини тартибга соладиган мултифункционал томир девори компонентидир. Шунинг учун юрак-қон томир касалликларини олдини олиш ва даволаш учун нишон сифатида эндотелий функционал ҳолатига алоҳида ва асосли эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, бош мияда қон айланиш етишмовчилигини превентив, ўз вақтида мақсадга йўналтирилган эндотелиал дисфункцияни прогностик аҳамияти жиҳатдан ўрганишнинг роли ҳақидаги масалалар ҳали ҳам муҳокамали бўлиб қолмоқда, бу эса ушбу тоифадаги беморларда комплексли эндотелий функционал ҳолатини ташхислаш усулларини янада такомиллаштиришни ва жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашни талаб қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (05.2022.PhD.174) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади каротид артерияларнинг атеросклеротик шикастланиши бўлган беморларни хирургик коррекциядан олдин ва кейинги даврда эндотелиал дисфункцияни ўрганиш ва даволаш орқали жарроҳлик даволашнинг узоқ муддатли натижаларини яхшилашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

каротид артерияларнинг атеросклеротик шикастланиши бўлган беморларда қон томир девори эндотелийсининг дисфункциясини аниқлаш ва унинг жарроҳлик даволаш натижаларига таъсирини ўрганиб чиқиш;

турли даражадаги сурункали цереброваскуляр етишмовчилик билан оғриган беморлардаги клиник кўринишлар ва каротид артерияларнинг атеросклеротик стенознинг умумий даражаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

классик ва эверсион каротид эндартеректомиядан сўнг қониқарсиз узоқ муддатли натижаларнинг сабабларини ўрганиш;

каротид артерия атеросклерози бўлган беморларда жарроҳлик аралашувлардан сўнг интимал гиперплазия ва рестеноз ривожланиши хавф омилларини аниқлаш;

операциядан кейинги даврда эндотелиал дисфункция коррекциясини интимал гиперплазияси ва атеросклерознинг кейинги ривожланиши частотаси, ҳамда даражасига таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг жарроҳлик бўлимида 2017 йилдан 2020

йилгача даволанган ўткир ишемик инсулт билан касалланган 94 нафар бемор олинган.

Тадқиқот предмети сифатида эндотелийга боғлиқ вазодилатацияни ташҳислаш натижалари, қон зардобидаги гомоцистеин миқдорини ўрганиш ва каротид артерияларни дуплекс сонография қилиш натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган: умумклиник, лаборатор, инструментал (ултратовуш усули) ва статистик тадқиқот усуллари олинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

каротид артерияларнинг стенози бўлган беморларда қон-томир эндотелиал функциясининг сезиларли даражада бузилиши аниқланган;

илк бора эверсион ва анъанавий КЭЭ бажарилган беморлар гуруҳлари ўртасида эндотелийга боғлиқ вазодилатацияга бағишланган қиёсий таҳлил ўтказилган;

интима-медиа комплексининг қалинлашишининг каротид артерияларнинг КЭЭ дан кейинги рестеноз ривожланишидаги ўрни аниқланган;

эндотелийга боғлиқ вазодилатация индексининг пасайиши ва қандли диабет 2 типи, уйқу артериясининг интима-медиа комплекси қалинлашиши билан тескари корреляцияга эгалиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

каротид артерияларнинг стенози бўлган беморларда эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг кўрсаткичи бўсаға меъёридан камайиши ва гомоцистеин миқдори ошиши аниқланган;

эверсион КЭЭ билан таққослаганда анъанавий КЭЭ дан кейин эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг кўрсаткичи камроқ ва гомоцистеин миқдорининг кўпроқ бўлиши исботланган;

бош мия магистрал артериялар шикастланиш даражаси ва цереброваскуляр етишмовчилик даражаси ўртасидаги аниқланган корреляцияни ҳисобга олган ҳолда, бош мияда қон айланиши етишмовчилиги даражасини баҳолашда қийинчилик туғилган ҳолатларда бош мия магистрал артериялар стенозининг умумий даражасини ҳисоблаш зарурлиги исботланган;

КЭЭ дан 3 йилдан кейинги узоқ муддатли даврда инсултдан ва рестеноздан жами эркинлик даражаси ўрганилиб КЭЭнинг ишемик мия шикастланишининг олдини олишда юқори самарадорлиги аниқланган;

каротид артерияларнинг атеросклерозли стенози бўлган беморларга операция қилинган артерияларнинг рестенозлари ривожланиши учун хавф омилларини аниқлашда қон томир деворидаги эндотелиал дисфункцияни аниқлаш ва ўз вақтида эндотелиал дисфункцияни антигипертензив, гиполипидемик, антигипоксик, антитромботик ва ангиопротектив таъсирга эга дори-дармонлар билан даволаш узоқ муддатли даврда КЭЭ нинг натижаларини яхшилаши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг аҳволини баҳолашнинг объектив мезонлари, ташҳисот ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувлар ва

статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш билан асосланади. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материал танловида ўтказилган. Статистик қайта ишлаш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган маълумотлар ва хулосаларнинг назарий аҳамиятга эга эканлиги, атеросклероз туфайли каротид артерияларнинг стенози бўлган беморларда эверсион ва анъанавий КЭЭ га боғлиқ равишда қон-томир эндотелиал дисфункциясини эндотелийга боғлиқ вазодилатация ва қон зардобидаги гомоцистеин миқдорини ўрганиш орқали аниқлаш, эндотелийга боғлиқ вазодилатация индексининг уйқу артериясининг интима-медиа комплекси қалинлашиши билан муносабатини аниқлаш, интима-медиа комплексининг қалинлашишининг рестеноз ривожланишидаги ўрни, КЭЭ дан кейин 3 йиллик кузатув давр ичидаги ишемик инсултдан ва рестеноздан эркинлик даражасини ўрганиш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, каротид артерияларнинг стенози бўлган беморларда эндотелий функциясини эверсион ва анъанавий КЭЭ дан кейин инструментал ва лаборатор усуллар орқали ўрганиш, бош мия магистрал артериялар шикастланиш даражаси ва цереброваскуляр етишмовчилик даражаси ўртасидаги муносабатни аниқлаш, КЭЭ дан 3 йилдан кейинги узоқ муддатли даврда инсултдан ва рестеноздан жами эркинлик даражасини таҳлил қилиш, ўз вақтида эндотелиал дисфункцияни антигипертензив, гиполипидемик, антигипоксик, антитромботик ва ангиопротектив таъсирга эга дори-дармонлар билан давони тайинлаш учун асос бўлди ва узоқ муддатли даврда КЭЭ нинг натижаларини яхшилаш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Каротид артерияларнинг атеросклерозли стенози каби қон-томир шикастланишида эндотелиал дисфункция ташҳисоти бўйича тадқиқот натижалари асосида:

Илмий янгиликнинг моҳияти: каротид артерияларнинг стенози бўлган беморларда қон-томир эндотелиал функциясининг сезиларли даражада бузилиши аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: каротид артерияларнинг стенози бўлган беморларда қон-томир эндотелиал функциясининг сезиларли даражада бузилиши аниқланган бўлиб, бу ўз навбатида беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини олдини олиниши даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратлар, ўлимни камайтириб, шифо жараёнини тезлаштирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (14.09.2023 й.; № 24) Қоракўл туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (08.09.2023 й.; № 122) Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (06.09.2023 й.; № 36) ҳамда РШТЁИМ Навоий филиали бўйича буйруқ (08.09.2023 й.; № 82) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: : каротид артерияларнинг стенози бўлган беморларнинг барчасида қон-томир

эндотелиал функциясининг сезиларли даражада бузилиши инобатга олиниши, беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилайди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

каротид артерияларнинг стенози бўлган беморларда қон-томир эндотелиал функциясининг сезиларли даражада бузилиши аниқланган бўлиб, бу ўз беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини олдини олишда инобатга олиниб даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, касаллик асоратларини олдини олишга ҳамда беморларни сарфланадиган харажатларини 1 896 000 сўмга камайтиришга эришилди.

Хулоса: каротид артерияларнинг стенози бўлган беморларда қон-томир эндотелиал функциясининг сезиларли даражада бузилиши аниқланган бўлиб беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини олдини олишда эндотелиал дисфункцияни инобатга олиниб даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, даволашда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 632 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 240 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Уйқу артерияси атеросклерозини жарроҳлик усулида даволашда эндотелиал дисфункция коррекцияси» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 5 сентябрдаги 01/04/4654-сон хат юборилган

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бора эверсион ва анъанавий КЭЭ бажарилган беморлар гуруҳлари ўртасида эндотелийга боғлиқ вазодилатацияга бағишланган қиёсий таҳлил ўтказилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: эверсион ва анъанавий КЭЭ бажарилган беморлар гуруҳлари ўртасида эндотелийга боғлиқ вазодилатацияни ҳисобга олиниши даволаниш самарасини оширишга имкон бериши исботланган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (14.09.2023 й.; № 24) Қоракўл туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (08.09.2023 й.; № 122) Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (06.09.2023 й.; № 36) ҳамда РШТЁИМ Навоий филиали бўйича буйруқ (08.09.2023 й.; № 82) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эверсион ва анъанавий КЭЭ бажарилган беморлар гуруҳлари ўртасида эндотелийга боғлиқ вазодилатация қийматини ҳисобга олиниши ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг камайтириш имкониятини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

эверсион ва анъанавий КЭЭ бажарилган беморлар гуруҳлари ўртасида эндотелийга боғлиқ вазодилатация қийматини ҳисобга олиниши: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 660 000 сўмга камайтирган (Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг прейскурантига кўра шифохонада 1 кун

қолиш 220.000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш давринининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 90000 сўм дори воситалари сарфланади).

Хулоса: эверсион ва анъанавий КЭЭ бажарилган беморлар гуруҳлари ўртасида эндотелийга боғлиқ вазодилатация қийматини ҳисобга олиниши даволаниш самарасини оширишга даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларнинг камайтириш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Уйқу артерияси атеросклерозини жарроҳлик усулида даволашда эндотелиал дисфункция коррекцияси» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 5 сентябрдаги 01/04/4654-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: интима-медиа комплексининг қалинлашишининг каротид артерияларнинг КЭЭ дан кейинги рестеноз ривожланишидаги ўрни аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: интима-медиа комплексининг қалинлашишининг каротид артерияларнинг КЭЭ дан кейинги рестеноз ривожланишидаги ўрни аниқланган бу ўз навбатида мазкур касалларда асоратларнинг камайтиришга имкон бериши исботланган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (14.09.2023 й.; № 24) Қоракўл туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (08.09.2023 й.; № 122) Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (06.09.2023 й.; № 36) ҳамда РШТЁИМ Навоий филиали бўйича буйруқ (08.09.2023 й.; № 82) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: интима-медиа комплексининг қалинлашишининг каротид артерияларнинг КЭЭ дан кейинги рестеноз ривожланишидаги ўрни аниқланган бу ўз навбатида мазкур касалларда асоратларнинг камайтириш ҳисобига ижтимоий самарадорликни ошириш имкониятини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

интима-медиа комплексининг қалинлашишининг каротид артерияларнинг КЭЭ дан кейинги рестеноз ривожланишидаги ўрни аниқланганлиги: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 11,0 кундан 8,0 кунгача кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 660 000 сўмга камайтирган (Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг прейскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 220.000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш давринининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 90000 сўм дори воситалари сарфланади).

Хулоса: интима-медиа комплексининг қалинлашишининг каротид артерияларнинг КЭЭ дан кейинги рестеноз ривожланишидаги ўрнини инобатга олиниши, ушбу беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, касаллик асоратларини камайтириш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Уйқу артерияси атеросклерозини жарроҳлик усулида даволашда эндотелиал дисфункция коррекцияси» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 5 сентябрдаги 01/04/4654-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: эндотелийга боғлиқ вазодилатация индексининг пасайиши ва қандли диабет 2 типи, уйқу артериясининг интима-медиа комплекси қалинлашиши билан тескари корреляцияга эгалиги аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти эндотелийга боғлиқ вазодилатация индексининг пасайиши ва қандли диабет 2 типи, уйқу артериясининг интима-медиа комплекси қалинлашиши билан тескари корреляцияга эгалиги аниқланган, бу ўз навбатида, асоратлар ривожланиши омилини камайтириб, шифо жараёнини тезлаштириб, ётоқ кунини қисқартирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (14.09.2023 й.; № 24) Қоракўл туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (08.09.2023 й.; № 122) Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (06.09.2023 й.; № 36) ҳамда РШТЁИМ Навоий филиали бўйича буйруқ (08.09.2023 й.; № 82) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эндотелийга боғлиқ вазодилатация индексининг пасайиши ва қандли диабет 2 типи, уйқу артериясининг интима-медиа комплекси қалинлашиши билан тескари корреляцияга эгалиги аниқланган бўлиб, улар ўз навбатида, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эндотелийга боғлиқ вазодилатация индексининг пасайиши ва қандли диабет 2 типи, уйқу артериясининг интима-медиа комплекси қалинлашиши билан тескари корреляцияга эгалиги ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш ҳисобига беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3,0 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 632 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 90 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Хулоса: эндотелийга боғлиқ вазодилатация индексининг пасайиши ва қандли диабет 2 типи, уйқу артериясининг интима-медиа комплекси қалинлашиши билан тескари корреляцияга эгалигини даволаниш жараёнида инобатга олинишини шифохона амалиётига жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 632 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 90 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Уйқу артерияси атеросклерозини жарроҳлик усулида даволашда эндотелиал дисфункция коррекцияси» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти

эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 5 сентябрдаги 01/04/4654-сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, улардан 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган журналларда, шу жумладан 5 республика ва 2 таси чет эл журналларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ушбу тадқиқотнинг республика фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Каротид артерия атеросклерозини жарроҳлик даволаш натижаларини баҳолашда эндотелиал дисфункциянинг ўрни (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича маҳалий ва хорижий адабиётлар асосида уйқу артерисининг атеросклерозли шикастланишлари ташхисотининг замонавий усулларини ҳамда КЭЭ дан кейинги юзага келадиган рестенозлар патогенезининг замонавий муаммоси таҳлил қилинган, бажарилган эндартерэктомия турининг рестеноз билан боғлиқлиги ҳақида кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар ёритилган. КЭЭдан кейинги рестеноз ривожланишида эндотелиал функция бузилишининг алоҳида патофизиологик ўрни борлигига ишора қилиниб эндотелиал функцияни медикаментоз коррекцияси операциядан кейинги яқин ва узоқ муддатли даврдаги натижаларини яхшилашдаги превентив аҳамияти ва зарурати кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Каротид артерия атеросклерозини жарроҳлик даводан кейинги эндотелиал дисфункция терапиясини асослаш бўйича тадқиқот материали ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материали ва усулларининг тавсифи тақдим этилган, текширилган беморлар тавсифи ёритилган.

Ушбу тадқиқотда 2017 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда РШТЁИМ Бухоро филиали жарроҳлик бўлимида ишемик инсулт билан касалланган ва КЭЭ орқали даволанган 94 нафар беморнинг маълумотлари келтирилган. Улар орасида эркаклар 55 (58,5%) нафарни ва аёллар 39 (41,5%) нафарни

ташкил этган. Беморларнинг ўртача ёши 61±5,4 ёшни ташкил этган. Касалланганлар ёшининг диапазони 46-78 ни ташкил этди. 51 ёшдан 70 ёшгача бўлган беморлар мутлақ кўпчиликни (75 бемор) 79,8% ни ташкил қилди. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморлар (60 йилгача) 44,6% ни ташкил этди.

Каротид артериянинг шикастланиши кўпинча бошқа артериал ҳавзаларнинг патологик шикастланиши билан бирга келган, шу жумладан коронар артериялар стенози 53 (56,4%) беморларда, пастки оёқ артериялар стенози 34 (36,2%) та беморда қайд этилган. Бундан ташқари, беморларда бир қатор ёндош касалликлар жами 82 (87,2%) беморда аниқланди. 49% ҳолларда бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ касаллик аниқланган. Артериал гипертензия энг кенг тарқалган ёндош касаллик бўлиб, 57 (60,6%) ҳолатларда аниқланган. Коронар артерия стенозининг белгилари 53 (56,4%) беморда қайд этилган бўлиб, 5 (5,3%) та беморнинг анамнезида миокард инфаркти аниқланган. Семизлик, тана вазни индекси >25кг/м^2 33 та беморда учраган. Атеросклероз учун хавф омилларини таҳлил қилганда, 64 та бемор (68,1%) чекувчилар эканлиги маълум бўлди.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси 9 (9,6%) беморларда, 2 - тоифа қандли диабет - 11 (11,7%), нафас олиш органи патологияси - 16 (17,0%), уролитиаз-5 (5,3%) беморларда аниқланган.

Амалга оширилган КЭЭ турига қараб, беморлар 2 гуруҳга бўлинган:

1-гуруҳ беморларга КЭЭ ва автовена ёки синтетик материал билан артериядаги ямоқ пластикаси бажарилган (n=41, 43,6%).

2-гуруҳ беморларга эверсион КЭЭ бажарилган (n=53; 56,4%).

Беморларни текшириш, ултратовуш текшируви операция қилинган пайтдан бошлаб 1 ҳафта, 1, 3, 6, 12 ойдан кейин ўтказилди. Операциядан кейинги йил давомида артериядаги ўзгаришларнинг умумий ривожланиш динамикаси серияли тадқиқот натижаларни ўрганиш орқали аниқланган.

Эндартерэктомия зонаси ҳолатини кузатиш *ултратовуш дуплекс сканерлаш* (Mindray-M6» (Китай) 4 и 12 МГц чизиқли сенсор) ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқот беморнинг орқа томонга ётган ҳолатда, бошини текширилган томондан қарама-қарши томонга бир оз бурилган ҳолда ўтказилди. Ултратовуш сенсори жойлашуви стерноклавикуляр-мастоид мушакнинг ички четида ёки ички бўйин венаси устида амалга оширилди. Умумий уйқу артерияни сканерлаш бўйлама проекцияда амалга оширилди. Томир бўшлиғининг торайиш даражасининг фоизи планиметрик тарзда B режимда томир кўндаланг кесимидаги диаметр бўйича European Carotid Surgery Trial (ECCT, 1991) томонидан ишлаб чиқилган усул ва North American Symptomatic Carotid Endarterectomy Trial (NASCET, 1991 й.) томонидан ишлаб чиқилган усул, яъни қолдиқ диаметрни стеноз сегментига нисбаттан дистал жойлашган томир сегменти диаметрига мутаносиблигини аниқлаш орқали ўлчанди. Шунга қарамай гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли стенознинг асосий мезони стеноз зонасида қон оқимининг чизиқли тезлигининг ошиши эди. Каротид ва субклавиа артериялар, вертебрал артерияларнинг қон оқимининг спектрал хусусиятлари 4 Мгц ёки 2 Мгц сенсори ёрдамида ўрганилди. Атеросклеротик қобиқлар, уларнинг тузилиши

ва ҳажми, умумий уйқу артериялар, ички ва ташқи уйқу артерияларнинг интима-медиа комплексининг қалинлиги баҳоланди. Интима-медиа комплексининг қалинлиги каротид бифуркацияга тахминан 1 см проксимал сегментда ўлчанди.

Магнит резонанс ангиографияси «Gyroscan Intera Nova» (Philips, Голландия) магнит майдон индукцияси 1,5 тесла (Т) бўлган магнит резонанс томограф ёрдамида амалга оширилган. Тадқиқот кўкрак қафасини тўлиқ қамраб олиш орқали тўғри проекцияда амалга оширилган. МРА тасвирларни таҳлил қилиш ва баҳолаш (чизиқли ўлчамларни ўлчашга, морфологик ўзгаришларни ва проекцион ойнада таъсирланган томирларнинг стеноз даражасини баҳолаш), «View Forum 3.2» (Philips, Голландия) тузилма орқали бажарилди. Инструментал текширув алгоритми бўйича олдин бош мия МРТ, сўнгра эстра ва интракраниал томирларнинг МРА бажарилди.

Эндотелиал функция баҳолашда *эндотелийга боғлиқ вазодилатацияни* (ЭБВД) аниқлаш, яъни D.S. Celermajer бўйича пост-окклюзив гиперемия тести каби инвазив бўлмаган усул билан баҳоланди. Ўнг елка артерия диаметрини баҳолаш учун 5,5 – 7 Мгц ли кенг полосали сенсордан (Logiq, GE, АҚШ) фойдаланилди. Елка артериясининг асл диаметрига нисбаттан 10 % дан кам кенгайиши каби томир реакцияси эндотелиал дисфункция сифатида баҳоланди.

Эндотелиал дисфункция маркерини ўрганиш мақсадида махсус лаборатория текшируви сифатида *қон зардобидаги гомоцистеин концентрацияси иммунофермент (ELISA)* ёрдамида аниқланди. Полизанжирли реакция учун тирсак венадан қуруқ стерил игна билан махсус вакуум тизимига қон намунаси олинди. Антикоагулянт сифатида 6:1 нисбатда 19% ЭДТА эритмаси ишлатилган. Тадқиқотдан олдин пробиркада қон +4 – +8 ҳароратда 5 соатдан кўп бўлмаган ҳолда сақланган. Гомоцистеин миқдорининг 10 ммол/л дан ортиқ бўлиши эндотелий дисфункцияси ва каротид артерияда атеросклерозли стеноз пайдо бўлиши ривожланишининг мустақил хавф омили сифатида баҳоланган.

Олинган рақамларни статистик ишлаш давомида ўртача арифметик катталик (M), арифметик ўртача стандарт четлашиш (±δ) билан таърифланган. Сифат ўзгарувчилари мутлақ ва нисбий частоталар (фоизлар) билан тавсифланган. Фарқлар $p<0,05$ даражасида статистик аҳамиятли деб ҳисобланди. Колмогоров-Смирнов-тести ёрдамида барча намуналарнинг меъёрий тақсимланишини текширилди. Стьюдентнинг жуфтлашган t-мезони боғланган ва мустақил намуналарни меъёрий тақсимот билан таққослаш учун ишлатилган. Меъёрий тақсимотдан фарқ қиладиган боғлиқ бўлмаган намуналар учун параметрик бўлмаган Манн–Уитни мезони (U) қўлланилди. Меъёрий тақсимотга эга бўлган ўзгарувчилар учун корреляцион таҳлилни ўтказишда Пирсон-$\chi 2$ корреляция коэффициенти қўлланилди, меъёрий тақсимотдан фарқ қилувчи ўзгарувчилар учун эса Спирмен корреляцион критерийси (r_s) қўлланилди. Ҳисоблаш шахсий компютерда Microsoft Excel и SPSS 22.0. (Chicago, IL, USA) дастурий таъминот тўплами ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг **«Каротид артерияларнинг атеросклеротик шикастланиши бўлган беморларда қон томир девор эндотелиал дисфункцияси»** деб номланган учинчи бобида эндотелийнинг функционал ҳолатини текширишлар натижалари батафсил баён этилган.

Эндотелийнинг функционал ҳолатини таҳлил қилганда, ЭБВД билан намунадаги брахиял артерия диаметрининг ошиши ўртача 7,75% (минимал 4,00%, максимал 13,0%) ни ташкил этди. Каротид ҳавзаси артерияларида атеросклеротик ўзгаришлар ва атеросклеротик қобиқ мавжудлиги билан оғриган беморларнинг субпопуляциясида ЭБВД тести бажарилганда елка артериясининг кенгайиши 6,10% (минимал 3,60%, максимал 11,5%) ни ташкил этди. Каротид ҳавзасининг артерияларида атеросклеротик қобиқ визуализация қилинмаган шахсларда елка артерияси диаметрининг ошиши сезиларли даражада паст бўлган - 4,68% (минимал 2,22, максимал 7,43%; p=0,041). Оёқ артерияларининг атеросклеротик шикастланиши бўлган беморларда елка артериясининг 5,85% (минимал 3,15%, максимал 10,5%; p=0,035) га кенгайиш қиймати қайд этилди. Оёқ артериялари атеросклерозли шикасти бўлмаган беморларнинг кичик гуруҳида елка артерияси диаметрининг ошиши ўртача 9,60% (минимал 5,00%, максимал 13,8%) ташкил этди. ЭБВД тестининг натижалари каротид ҳавзаси артериялари ва оёқ артерияларининг қўшма атеросклеротик шикастланиши бўлган беморларда баҳоланди. Иккала қон томир ҳавзаларида атеросклеротик қобиқ шаклланган 51 (54,25%) та бемор орасида елка артерияси диаметри 5,43% га (минимал 2,64%, максимал 9,28%) ошиши кузатилган. Таққослаш кичик гуруҳида, яъни оёқ ва каротид артерияларининг комбинацияланган шикастланиши бўлмаган 43 та беморда елка артериясининг кенгайиш реакцияси сезиларли даражада паст бўлган ва 9,85% ни (минимал 5,22%, максимал 13,9%; p=0,003) ташкил этган.

Иккала гуруҳда ҳам (1-гуруҳ - анъанавий КЭЭ автовена ёки синтетик материал билан артериядаги ямоқ пластикаси (n=41); 2-гуруҳ - эверсион КЭЭ (n=53)) ЭБВД нинг пасайиши кузатилган. 1-гуруҳдаги беморларда елка артериясининг диаметри ўртача 30-сонияда асл диаметрга нисбаттан 5,67±1,54 % га, 60-сонияда - 5,51±1,64% га кенгайди. Бу кўрсаткич 2-гуруҳ беморларига қараганда анча паст бўлиб чиқди, яъни 30-сонияда 6,85±1,70 % ни ва 60-сонияда 6,13±1,75% ни ташкил этди (p <0,05).


Бир ўлчовли корреляцион таҳлил иккала гуруҳдаги ЭБВД индексининг пасайиши қандли диабет 2 типи (r=-0,41; p<0,001), уйқу артериясининг интима-медиа комплексининг қалинлашиши (r=-0,34; p<0,001) билан сезиларли ва тескари боғлиқлигини кўрсатди.

Беморлар зардобидаги гомоцистеин миқдори 8,5 - 32,4 ммол/л ни ташкил этди. 1-гуруҳда (анъанавий КЭЭ) гомоцистеин ўртача концентрацияси 15,80±4,32 ммол/л ташкил қилди ва шу гуруҳдаги 41 та бемордан 16 тасида (39%) гомоцистеин даражаси 10 ммол/л дан ошди. 2-гуруҳда (эверсион КЭЭ) ўртача гомоцистеин миқдори 13,1±3,15 ммол/л га баробар бўлди. Шу гуруҳдаги 53 бемордан 13 тасида (24,5%) гомоцистеин концентрацияси 10 ммол/л дан зиёд бўлди. 1-гуруҳ беморларда қон

зардобидаги гомоцистеин концентрацияси 2-чи гуруҳга қараганда анча юқори эканлиги аниқланди (p <0,05).

Иккала гуруҳдаги гомоцистеин даражаси ва юрак-қон томир касалликлари ривожланишининг хавф омиллари ўртасидаги муносабатларнинг корреляцион таҳлили шуни кўрсатдики, гомоцистеин концентрацияси умумий холестерин даражаси (r=0,38; p<0,001) ва интима-медиа комплексининг қалинлашиши (r=0,56; p<0,001) билан тўғридан-тўғри пропорционал боғлиқдир.

Операциядан кейинги 6-куни гомоцистеин концентрацияси қайта ўрганилди. 1-гуруҳда (анъанавий КЭЭ) операциядан кейин гомоцистеин концентрацияси операциядан олдинги даврдаги илк миқдорга нисбаттан 18,4±4,2 ммол/л гача статистик аҳамиятга эга даражада ошди (p <0,05). 2-гуруҳда (эверсион КЭЭ) операциядан кейинги даврда гомоцистеин концентрацияси 14,2±5,6 ммол/л ни ташкил этди ва операциядан олдинги даврдаги гомоцистеин илк миқдорга нисбаттан статистика жиҳатдан фарқ қилмади (p>0,05). Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, операциядан кейинги даврда анъанавий КЭЭ бажарилган беморларда гомоцистеин даражаси операциядан олдинги миқдорига нисбаттан (p<0,05), ҳамда эверсион КЭЭ бажарилган беморларга нисбаттан гомоцистеин концентрацияси сезиларли даражада кўпайган (p<0,05) (1-расм).




1-расм. Операциядан олдин ва кейинги даврда ўрганилаётган гуруҳлардаги гомоцистеин миқдорининг қиёсий ўзгариши. * p<0,05

Тадқиқотда олинган натижалар шуни кўрсатдики, каротид артерияларнинг атеросклерозли стенози бўлган 94 та беморларнинг 77 (81,9%) тасида елка артерия ЭБВД 10% дан кам қиймат, яъни эндотелиал функциянинг бузилиши аниқланди ва 65 тасида (69,1%) гомоцистеин даражаси КЭЭ дан олдин ошганлиги кузатилган.

Диссертациянинг **«Каротид артерияларнинг атеросклеротик шикастланиши бўлган беморларда жарроҳлик амалиёти натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида КЭЭ нинг турига боғлиқ равишда жарроҳлик


муолажаларнинг натижаларига ва уларга эндотелий дисфункциясининг таъсирига тавсиф берилган.

Ўртача кузатув даври 32,5 ойни ташкил этди (17 ойдан 52 ойгача). Анъанавий КЭЭ бажарилган биринчи гуруҳда ишемик инсулт 3 беморда, эверсион КЭЭ бажарилган иккинчи гуруҳда – 1 беморда кузатилган (2-расм, чапда). Инсултга учраган 4 (5,1%) та бемордан - 2 (2,1%) тасида узоқ муддатли бутун кузатув даврида ўлим ҳолати кузатилди (2-расм, ўнгда).



2-расм. Операциядан кейинги даврда ишемик инсултдан (чапда) ва ўлим ҳолатидан эркинлик (ўнгда) кўрсаткичининг эгрилиги, *n*=94

Транзитор ишемик ҳужум 3 та беморда учраган (2 та ҳолатда анъанавий КЭЭ дан кейин, 1 та ҳолатда эверсион КЭЭ дан кейин). 2 ҳолатда ишемик инсултнинг ривожланиши ички каротид артерия окклюзияси фонида ва 1 ҳолатда – оғир даражадаги (95%) рестеноз натижасида содир бўлган. Қолган 2 та инсулт ҳолати ва 1 та транзитор ишемик ҳужум ҳолати жуда тез орқага қайтди ва айтиш жоизки, бу уларнинг ривожланишининг мумкин бўлган эмбологен механизмига ишора қилади. Узоқ муддатли кузатувда рестеноз 12 (12,8%) та беморда ривожланган. Шу билан бирга, 50% дан 70% гача такрорланган стеноз 8 (8,5%) та беморда (3-расм, чапда), 70% дан ортиқ стеноз - 4 (4,3%) та беморда содир бўлган (3-расм, ўнгда).



3-расм. Операциядан кейинги даврда рестеноз >50% (чапда) ва >70% (ўнгда) дан эркинлик кўрсаткичининг эгрилиги, *n*=94

Ички каротид артерия рестенози пайдо бўлган беморларда клиник кўриниш асимптоматик окклюзиядан ўткир мияда қон айланиш бузилишга қадар ўзгарган. Барқарор атеросклеротик қобиқ мавжуд бўлган асимптоматик гемодинамик аҳамиятга эга Ички каротид артерия рестенози эга бўлган

беморлар дастлабки жарроҳлик муолажасидан 6 ойдан кейин каротид артериялар такрорий назорат дуплекс сканерлаш тавсияси билан динамик равишда кузатилди.

Операция томонидаги рестенозлар ва окклюзиялар 12 беморда ривожланган. Шу билан бирга, улардан фақат 8 тасида гомоцистеин концентрацияси ошган. 65 та беморда рестеноз ҳолати кузатилмаган бўлсада, гомоцистеин миқдори >10 ммоль/л дан ошганлиги аниқланган.

Маълумотларни таҳлил қилиш кўп ўзгарувчан регрессия таҳлили ёрдамида амалга оширилди. Гомоцистеин даражасининг кўтарилиши бўлган беморларда рестеноз ривожланиш хавфи сезиларли даражада ошиши аниқланди (коэффициент нисбати=0,9). Фарқлар статистика жиҳатдан аҳамиятли (p=0,001) бўлган.

Регрессия таҳлилига кўра, гомоцистеин даражасининг >10 ммоль/л дан кўтарилиши бўлган беморларда инсулт хавфи бироз ошади (коэффициентлар нисбати = 1,3). Ушбу натижа статистика моҳияти жиҳатдан аҳамиятли бўлган (p=0,001).

